

Саудия Арабистони барча виза эгалари учун умра зиёратига рухсат берди



16:53 / 10.10.2025 927

Саудия Арабистони Ҳаж ва Умра ишлари вазирлиги мамлакатга кириш учун амал қилувчи исталган виза эгалари — жумладан туристик, оилавий, ишчи ва транзит визалар билан эндиликда Умра зиёратини адо этишлари мумкинлигини маълум [қилди](#).

Вазирликка кўра, янги тартиб барча хорижий зиёратчилар учун диний маросимларни осонлаштириш ҳамда мамлакатда диний туризмни ривожлантиришни мақсад қилган. Шу билан бирга, бу қарор Саудия Арабистонининг «Vision 2030» миллий стратегияси доирасида қабул қилинган бўлиб, у мамлакат иқтисодиётида туризм соҳасининг улушини оширишни кўзлайди.